I. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йил январь-сентябрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 9 307,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 106,8 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 106,1 % га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 133,9 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 122,2 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 119,8 % ни ташкил этди.

Январь-сентябрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат махсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан %)



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 28,5 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,3 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият тури ҳажмининг – 27,1 % га ошганлигини кузатиш мумкин.

<u>Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)</u>

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 8 763,0 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 94,1 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг ҳажми 8,5 млрд. сўмни, (ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 0,1 %), ўрта-юқори технологияли – 1 259,3 млрд. сўмни, (13,5 %), ўрта-қуйи технологияли– 2 730,7 млрд. сўмни (29,3 %), ва қуйи технологияли – 4 764,4 млрд. сўмни, (51,2 %) ташкил этди.

Январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, *% да*



Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Ўлчов бирлиги	*2019 йил январь-сентябрь*	*2018 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да*
Гербицид	тонна	3 547,7	115,2
Автотранспорт ойналари	тонна	1 306,0	166,6
Портландцемент	минг тонна	493,3	122,0
Цемент клинкерлари	тонна	417 942,0	112,8
Суперфосфат	минг тонна P2O5	11,4	130,1
Табиий оқ ва қизил десерт узум винолари	минг литр	25	138,9
Аммоний нитрат	минг т. азот	88,8	127,2
Шиша идишлар	млн дона	47,5	109,5

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 479,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 5,2 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 122,2 % ни ташкил этди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 37,1 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,4 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,8 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	млрд.сўм	*жамига нисбатан фоизда*
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми	**9 307,7**	**100,0**
Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**28,5**	**0,3**
улардан:		
Тоғ-кон саноатининг бошқа турлари	27,1	0,3
Қайта ишлаш саноати	**8 763,0**	**94,1**
ундан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1 386,6	14,9
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	3 022,3	32,3
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	195,4	2,1
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	6,9	0,1
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 395,1	15
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	1 158,1	12,5
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	3,4	0,04
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	932,7	10
металлургия саноати	47,4	0,5

	млрд.сўм	*жамига нисбатан фоизда*
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	243,2	2,6
Компьютерлар, электрон ва оптик махсулотлар ишлаб чиқариш	5,2	0,1
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	29,5	0,3
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	6,6	0,1
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	137,3	1,5
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	28,1	0,3
Мебел ишлаб чиқариш	42,1	0,5
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	110,9	1,2
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	12,2	0,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**479,2**	**5,2**
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**37,1**	**0,5**
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	**2 896,6**	**100,0**
шу жумладан:		
озиқ-овқат товарлари	1 096,8	37,9
ноозиқ-овқат товарлари	1 799,8	62,1

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирларнатижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 2 896,6 млрд. сўмни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 8,5 % га ўсиши таъминлади, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 31,9 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан, фоизда)



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан % да

(январь-сентябрь ойлари учун)



Ҳудудларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми мос равишда ошишигаолиб келди, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 39,8 % ташкил этмоқда.



Ҳудудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши.

(2019 йил январь-сентябрь, фоиз хисобида)



Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Фарғона шаҳрида (12 118,4 минг сўм), Қувасой шаҳрида (5 508,7 минг сўм), Қўқон шаҳрида (5 594,5 минг сўм), Тошлоқ тумани (5 044,1 минг сўмни) да вилоят даражаси кўрсаткичидан юқорилигини кўрсатмоқда.

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



<u>Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари.</u>

Бугунги кунда вилоятда 7350 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 1287 таси Қўқон шаҳри, 883 таси Марғилон шаҳри, 923 таси Фарғона шаҳри, 545 таси Учкўприк тумани, 444 таси Ўзбекистон тумани, 382 таси Данғара тумани, 377 таси Бувайда тумани, 282 таси Тошлоқ тумани, 334 таси Қува тумани, 258 таси Бағдод тумани, 264 таси Олтиариқ тумани, 217 таси Қўштепа тумани, 227 таси Риштон тумани, 197 таси Фарғона тумани, 188 таси Қувасой шаҳри, 142 таси Ёзёвон тумани, 146 таси Фурқат тумани, 130 таси Бешариқ тумани, 124 таси Сўх туманига тўғри келади.

Жорий йилнинг январь-сентябр ойларида вилоятда 1 163 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 110 таси Қўқон шаҳри, 86 таси Марғилон шаҳри, 136 таси Фарғона шаҳри, 86 таси Учкўприк тумани, 66 таси Ўзбекистон тумани, 58 таси Данғара тумани, 84 таси Бувайда тумани,

43 таси Тошлоқ тумани, 107 таси Қува тумани, 51 таси Бағдод тумани, 65 таси Олтиариқ тумани, 29 таси Қўштепа тумани, 64 таси Риштон тумани, 49 таси Фарғона тумани, 39 таси Қувасой шаҳри, 17 таси Ёзёвон тумани, 26 таси Фурқат тумани, 27 таси Бешариқ тумани, 17 таси Сўх туманига тўғри келади.

Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган хамда йил бошида янги ташкил этилган корхоналар

(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун, сони бирликда)